

Ота-онанинг ёмон дуосидан доимо ҳазир бўлиб туриш



Ота-онанинг ёмон дуосидан доимо ҳазир бўлиб туриш

Силаи раҳм

14:34 / 24 май 1340

Ота-онанинг фарзанд ҳаққиға ва зиддиға қиладиган дуоси ҳақида кўп гапирилади. Аммо ўша гапларға далил бўлган матнларни кўпчилик аниқ билмаслиги мумкин. Шунинг учун бу мавзу бўйича одамлар орасидаги гапларға турли ноўрин маънолар ҳам аралашиб кетган. Келгуси ҳадиси шариф ва ривоятларни ўрганиш жараёнида бу борадаги билимларимизни мустаҳкамлаб ва аниқлаб олишға ҳаракат қиламиз.

لَا أَقُولُ بِأَنَّ يَدِي لَجُوعٌ لِقَرْمٍ نَع
هُ لَلِإِيَّاصِ هَلْ لَأُلُوسَر
نَوْمٌ لَعَتْ لَهُ: مَلَسَ وَهِيَ لَع
يَفِيَّةَ قَفَنُ نَمَلِ ضَفَأُ قَفَن
هُ لَلِإِيَّاصِ: أَوْلَا قِ؟ هَلْ لَلِإِيَّاصِ

عَقْفَنَ : لَاقِ . مَلْعَأُ هَلْ وَسَرَوِ
دَاوِ . نِي دِلْ أَوْلَا يَلْعَ دَلْ وُلَا
هَلْ أُمُّهُ وَأَعْدَوِ : لَاقِ : مَثِي هَلَا
لِصَّأَلِ أْتِ بْتِي زِي خُ لِبَابِ
أُمُّهُ وَأَعْدَوِ ، عَرَفْ لَأْتِ بَنْ نِي وَ
لِصَّأَلِ أُرِي بِي رِّشْ لِبَابِ

Муварриқ Ижлийдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг йўлида қилинган нафақадан ҳам афзалроқ нафақа борлигини биласизларми?» дедилар.

«Аллоҳ ва Унинг Расули билади», дейишди.

«Фарзанднинг ота-онага қилган нафақаси», дедилар.

Ҳайсам зиёда қилди: «Иккисининг унга қилган яхши дуоси аслини собит қилади ва фаръни ўстиради. Дуоибадлари эса аслини ҳалок қилади».

Шарҳ: Кўпчилигимизнинг тасаввуримизда Аллоҳнинг йўлида қилинган нафақадан ҳам афзалроқ нафақа бўлиши мумкин эмасдек туюлади. Аллоҳнинг йўлида нафақа қилишга тарғиб этувчи оят ва ҳадислар кўплигидан ва улардаги маъно кучлилигидан мана шундай тасаввур пайдо бўлган.

Худди шу тасаввур саҳобаи киромларда ҳам бор экан. Бу ҳақиқатни яхши билганларидан Набий соллalloҳу алайҳи васаллам уларга қарата **«Аллоҳнинг йўлида қилинган нафақадан ҳам афзалроқ нафақа**

борлигини биласизларми?» дедилар».

Бундай нафақа борлигидан беҳабар бўлганлари учун саҳобаи киромлар ўзларининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саволларига берган жавобларида: **«Аллоҳ ва Унинг Расули билади», дейишди».**

Уларнинг бу жавобидан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг йўлида қилинган нафақадан ҳам афзалроқ нафақа борлигини баён қилиб, **«Фарзанднинг ота-онага қилган нафақаси», дедилар».**

Демак, фарзанд топганини ота-онага сарфласа, уларга бериб, кўнглини олса, дуосини олса, хурсандчилигига сабаб бўлса, яхшилик етказса, улуғ ишни қилган бўлар экан.

Бу гапларнинг биз ўрганаётган бобга бевосита алоқаси йўқ. Яъни бу ерда ота-онанинг фарзандига дуоси ҳақида очиқ сўз юритилмаган. Бундай сўз энди келади.

«Ҳайсам зиёда қилди: «Иккисининг унга қилган яхши дуоси аслини собит қилади ва фаръни ўстиради. Дуоибадлари эса аслини ҳалок қилади».

Ушбу ҳадиси шарифнинг ровийларидан бири бўлмиш Ҳайсам зиёда қилиб айтибдики: «Агар ота-она ўз фарзандига яхши дуо қилса, шу дуо аслини, яъни дуо олган фарзандни собит қилади ва унинг фаръини, яъни болаларини ўстиради, хайрга, баракага кўмдиради.

Ота-онанинг ёмон дуоси ҳалокатга учратади. Чунки ота-онанинг норози бўлгани, боласининг ҳаққига дуойи бад қилгани оғир мусибат бўлади.

Шунинг учун мўмин-муслмон инсон имкони борича отасига, онасига яхшилик қилиши лозим. У ўзида бор пулни, молни аямасдан, уларнинг яхши дуоларини олиш пайдан бўлиши керак. Аллоҳ сақласин, ёмон дуо ва қарғишларидан сақланиб, яхши ҳолатда юришга ҳаракат қилиши лозим.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Муҳим нарсани одамларга яхшироқ сингдириш учун аввал у нарса ҳақида савол бериш Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг услублари экани.
2. «Аллоҳ ва Унинг Расули билади», дейиш саҳобаларнинг одобидан экани.

3. Аллоҳнинг йўлида қилинган нафақадан ҳам афзалроқ нафақа борлиги.
4. Фарзанднинг ота-онага қилган нафақаси Аллоҳнинг йўлида қилинган нафақадан ҳам афзалроқ экани.
5. Ота-онанинг фарзандга қилган яхши дуоси фарзандни собит қилиб, унинг зурриётини ўстириши.
6. Ота-онанинг ёмон дуоси фарзандни ҳалок қилиши.

نَا اِقْ نَا قُرْبِ نَبِ رَفْعِ جُ نَع
 مٌ وَي لُ كِ هِدَلَوِي فِ دِلِ اَوْلِ لُ كِل
 اِقْ وَا - ؕ ؕ بَا جَاتُ سُمُ ؕ ؕ وُعَد
 اَلَفَ تَغَطَّتْ سَا نَا فِ - ؕ ؕ بَا جُم
 اَرِي بُمٌ نَن وُ كَت

Жаъфар ибн Бурқондан ривоят қилинади:

«Ҳар бир ота-онанинг фарзанди ҳақида кунига бир марта ижобат бўладиган дуоси бор. Агар қодир бўлсанг, ҳалок бўлувчи маҳрум бўлма».

Шарҳ: Демак, ота-онанинг дуоси бир кунда ҳеч бўлмаса бир марта қабул бўлиши бор экан. Фарзанд ана шу дуони олиб қолиш ҳаракатида бўлиши керак экан. Шу дуони олиб қолмаса, кўп нарсадан маҳрум бўлар экан.

اَلِ دِلِ اَوْلِ اُ ؕ ؕ وُعَد : اِقْ دِ هَا جُمُ نَع
 لَجَّ وُ زَعِ هَلَلَا ن وُدُ بَجُ حُ ت

Мужоҳиддан ривоят қилинади:

«**Ота-онанинг дуоси Аллоҳ азза ва жалладан тўсилмас**».

Шарҳ: Ота-она боласининг ҳаққиға дуо қилдими, бас, тўсиқ йўқ, тўғридан-тўғри қабул қилинади. Шунинг учун ҳар бир фарзанд ота-онасининг дуосини олишға доимий равишда ҳаракат қилиб туриши лозим.

نَسَخَ لَلْ تُلُقَ : لَاقِ دِي زَنَع
دَلْ وُلْ لَ نِي دِلْ اُولَاْ اَعْدَام
تُلُقَ : لَاقِ . اَجَن : لَاقِ
هَلْ اَصِيَتْ سَا : لَاقِ ؟ هِي لَعَف

Зайддан ривоят қилинади:

«**Ҳасанга: «Ота-онанинг боласига яхши дуоси нима?» дедим. «Нажот» деди. «Ёмон дуоси-чи?» дедим. «Таг-туғи билан қўпорилиши», деди**».

Шарҳ: Демак, доимо ота-онанинг хайрли дуосини олиш пайида бўлиш керак экан. Ана шунда фарзанд нажот топар экан.

Ота-онанинг ёмон дуосидан доимо ҳазир бўлиб туриш керак экан. Ана шунда фарзанд таг-туғи билан қўпорилишдан омонда бўлар экан.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.